

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ,
ФОЙДАЛАНИШ ВА ТАЪМИРЛАШ
КАФЕДРАСИ**



**ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №11
ЭКИШ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ.**

Андижон – 2009 йил

Лаборатория иши: В 5540700 «Агроинженерия» В 5140900 «Касбий таълим» таълим йўналишлари бўйича бакалавр даражасини оловчи талабаларга мўлжалланган.

Муаллифлар: «Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш» кафедрасининг доцентлари И.Ғ. Мирзаев, А.Қ. Дадаходжаев, Б.Н. Турсунов, катта ўқитувчи Р.С. Бозорбоев ва ассистент З.Т. Зулунов.

Такризчи: И.З. Носиров Андижон мухандислик – иқтисодиёт институти Транспорт воситаларидан фойдаланиш кафедраси доценти.

«Тасдиқлайман»

Ўқув ишлари бўйича

1 – проректор, доцент.

«31» август 2009 йил

Лаборатория иши «Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш» кафедраси мажлисида кўриб чиқилди ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Баённома № 1

«29» август 2009 йил

кафедра мудири доцент _____ И.Ғ. Мирзаев

Лаборатория иши «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» факультети илмий – услубий кенгаши мажлисида кўриб чиқилган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Баённома № 1

«30 » август 2009 йил

ҚХМ факультети услубий комиссияси раиси _____ Ғ.Ашуров

Лаборатория иши «Андижон қишлоқ хўжалик институти» ўқув услубий кенгаши мажлисида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Баённома № 1

«31» август 2009 йил

Кенгаш раиси _____ З.Жумабоев.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №11

ЭКИШ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ.

Топшириқ

1. Экиш технологияси ва уни сифатини аниқлаш усуллари билан танишиш.
2. Экиш сифат кўрсаткичларини далада ўлчаш.
3. Экиш сифатини баҳолаш.

Керакли ускуналар ва жихозлар.

1- жадвал

№	Номи	Нима мақсадда фойдаланилади	Ўлчамлар	Материал
1	Чопиқ трактори Т-28Х4, МТЗ-80Х ёки ТТЗ-80-11.	Сеялкани ҳаракатга келтириш учун	Стандарт	-
2	Пахта сеялкаси СХУ-4 ёки Андижон-4.	Экиш учун	Стандарт	Темир
3	Ўқувчилар чизғичи	Уя ўлчамлари- ни аниқлаш	20 смли 2 дона	Ёғоч
4	Тахлама метр	Қатор оралари кенглигини аниқлаш	1 метр	Темир
5	Шнур	Бир қаторга экилган чигит уяларининг бир тўғри чи- зиқда жойла- ниши аниқла- нади	10 метр	Ип
6	Қозиқчалар	Уядаги чигит- лар ўрнини белгилаш учун	20x10см 5x20см	Ёғоч

Бажариш тартиби:

Экиш сифати қуйидаги агротехник талаблар бўйича текшириб кўрилади: ҳар бир сошникнинг экиш чуқурлиги, уядаги чигитлар сони ёки 1 м даги чигитлар сони, уяларнинг узунлиги ва кўндалангига ўлчамлари асосий ва ёндош қаторлар ораларининг

кенглиги аниқланади, юқоридагиларга кўшимча, уларнинг бир тўғри чизик бўйича жойлашиши текшириб кўрилади.

1. Чигитларнинг қандай экилганлиги: чигит кўмилган тупрок қўл билан чигит кўрингунча олд томонга олинади, сўнгра атрофи текисланиб, рейка қўйилади ва шу райкадан чигитларнинг қандай чуқурликда экилганлиги ўлчанади.

2. Уянинг ўлчамлари уни очиб кўрилган ва кўзғатилмаган холда уя узунлиги ва кенглиги (четки орасидаги масофа) чизғич ёрдамида ўлчаб кўрилади. Чигитларнинг жойлашиши узунасига 5-7 см ва энига 3 см дан ошмаслиги керак.

3. Уядаги чигитлар сони санаб кўрилади, агар уялаб экилган бўлса 3 та, қаторлаб экилган бўлса 1 пог. м. да 25-30 дона чигит бўлиши керак. Уядаги чигитлар сони уялаб экилган бўлса 2 та сер уялаб экилган бўлса 1та ва қаторлаб экилган бўлса нормадагидан 10% дан ортиқ фарқ қилмаслиги керак.

4. Уялар кўндаланг қаторларда бир тўғри чизикда ётиши керак. Уларни текшириш учун, бирор қатордаги чигит уялари очилади ва унинг ўртасига қозикча қоқилади. Сўнгра ундан 10 м. масофада жойлашган уя очилади ва унинг ҳам ўртасига қозикча қоқилади. Ушбу қозикчаларга шнур тортилади. Ушбу шнур ип остидаги уялар очилади ва барчаларига қозикчалар қоқилиб, уларнинг ипга нисбатан қандай масофаларга ўндаланг четланганлиги ўлчаб олинади. Уяларнинг кўндаланг тўғри чизикдан чапга ёки ўнгга кўпи билан 3 см силжишга рухсат этилади.

5. Асосий ва чок қатор оралари изларининг ўртасидаги оралиқларини ўлчаб текширилади. Асосий қатор ораларининг кенглиги белгилангандан 2 см га, ёндош қатор ораларининг эса 5 см дан ортиқ фарқ қилишига йўл қўйилмаслиги керак.

6. Чигит экиш сифати униб чиққан гўзаларга қараб узил – кесил аниқланади. Бунда қаторларнинг узунасига ва тўғри чизик бўйлаб жойлашганлиги, ҳар бир уяда униб чакқан чигитлар сони аниқланади. Чала жойларга дархол чигит экиш тавсия қилинади.

Чигит экишга бўлган агротехник талаблар.

1. Чигит белгиланган, қисқа агротехник муддатларда экилиши керак.

2. Экиш тўғри чизикли эгатларда амалга оширилиши керак.

3. Экиш нормасига амал қилиниши керак.

4. Асосий қаторлар ораларининг оғиши ± 2 см, чок қаторларининг оғиши ± 5 см дан ошмаслиги керак.

5. Белгиланган экиш чуқурлигига амал қилиш керак. Экиш чуқурлиги тупрокнинг намлигига қараб қабул қилинади.

2 - жадвал

Экиш чуқурлиги	Рухсат этилидиган оғишлар
$a = 3 \dots 4$ см бўлганда	$d = \pm 0.5$ см
$a = 5 \dots 6$ см бўлганда	$d = \pm 0.7$ см
$a = 7 \dots 8$ см бўлганда	$d = \pm 1$ см

2. Ўғит ва гербицидлар белгиланган нормада, чуқурликда ва қатордан узоқликда солиниши керак.

Экиш сифатини кўрсаткичлари

«__» _____ 200__ йил

3 - жадвал

Қаторлар																			
Экиш сифати																			
Экиш чуқурлиги, см																			
Уянинг	Узунасига, см																		
ўлчамлари	Кўндаланггига, см																		
1 уядаги чигитлар сони, дона																			
Ҳар бир қатордаги уяларнинг бир тўғри чизик бўйича жойлашишдан фарқи, см																			
Асосий қатор оралиги, см																			
Чок қаторлар оралиги, см																			

Назорат саволлари:

1. Чигит экишга қандай агротехник талаблар қўйилади?
2. МТА экишга тайёрлаш тартибини айтиб беринг.
3. Экиш чуқурлиги қандай аниқланади?
4. Экиш операциясини сифатли қилиб бажарилганлиги қачон аниқланади?
5. Сеялка чигит экиш нормасига қандай созланади?
6. ПХГ – 4 гербицид сепиш мосламаси қандай созланади?
7. Чигит экишда қайси ҳаракат усули қўлланилади?

АДАБИЁТЛАР

1. А. Абдурахмонов, А. Аюпов, Ю. Дадабоев, Р. Хусанов, О. Якубжонов «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш» Т.: 2004 й.
2. С. Қ. Қодиров, Т.С. Худойбердиев «Пахтачилик – ғўза агротехникаси» Андижон: «Ҳаёт» 2000 й.
3. З.Ю. Зауров «Дехқончиликка оид лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар» Т.: «Ўқитувчи» 1979 й.
4. «Пахтачиликда комплекс механизация ва агротехника» Т.: 1984 й.
5. Пахтачиликда комплекс механизация агротехникаси (Ўзбек ва рус тилларида). Тошкент . 1964 й.
6. Пахта етиштириш устида қилинадиган дала тажрибалар методикаси. Тошкент, 1971 й.

